

## КОНСОЛИДАЦИЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ АУДИТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Хожиева Гулнора Хабибуллаевна**

Тошкент молия институти магистри

E-mail: [step\\_up8888@mail.ru](mailto:step_up8888@mail.ru)

**Аннотация.** Мамлакатимизда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобини юритишни ташкил қилиши ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлашлари белгилаб берилди.<sup>48</sup>

**Калит сўзлар:** Халқаро стандартлар, консолидациялашган, инвестициялар, давлат улуши, хўжалик юритувчи субъект.

Жамланган (консолидациялашган) ҳисоботларни тайёрлашда, энг аввало, корхонанинг ташкилий ҳуқуқий шакли, таъсисчилари ҳақида маълумоти, корхона томонидан жалб қилинган инвестициялар ҳажми ва инвесторлар ҳақида маълумот ҳамда корхонада давлатнинг улуши бор ёки йўқлигини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Хўжалик юритувчи субъект томонидан консолидациялашган молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида

<sup>48</sup>[www.Lex.uz](http://www.Lex.uz). Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли қарори.

тайёрлашда 10-сонли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти “Жамланган (консолидациялашган) молиявий ҳисоботлар” стандартининг ҳар бир бандини ва параметрларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш зарур. Ушбу стандартга мувофиқ бош ташкилот яъни инвестор бирор-бир тадбиркорлик субъектининг (инвестициялар объектида) иштироки хусусиятидан қатъий назар, у инвестициялар объекти устидан назоратга эга ёки эга эмаслигини баҳолаб, ўзи бош ташкилот ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслигини аниқлаши лозим. Яъни инвестор инвестициялар объекти устидан ўзи назоратга эга ёки эга эмаслигини аниқлаб олиши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун инвестор қуйидаги саволларга аниқлик кириб олиши муҳим аҳамиятга эга: Инвестор инвестициялар объектига нисбатан ваколатларга эга эканлиги шунингдек, инвестициялар объектининг мақсади ва тузилмаси, қайси фаолият аҳамиятли ҳисобланади ва мазкур фаолият юзасидан қарорлар қай тарзда қабул қилинади, инвестор эга бўлган ҳуқуқлар ҳозир аҳамиятга молик фаолиятни бошқариш имкониятини берадими, инвестор ўзининг даромадларига таъсир кўрсатиш мақсадида инвестициялар объектига нисбатан ўз ваколатларини амалга ошириш имкониятини берадими. Ушбу жумлаларни кенгроқ таҳлил қиладиган бўлсак, дастлаб киритилган улуш нуқтайи назаридан кўриб чиқамиз. Инвесторнинг бирор-бир тадбиркорлик субъектининг инвестицион объектига киритган улуши 20%дан кам бўлса ҳисоблаш усулининг қиймат усулидан, агар киритилган улуш 20%-50% гача бўлса улушда қатнашиш усулида, шунингдек киритилган улуш 50% ёки ундан юқори бўлса назорат қилиш ҳамда консолидациялашган молиявий ҳисоботлар тузишга сабаб бўлади.

Инвестор тадбиркорлик субъектининг (инвестициялар объектига) тегишли барча ҳолатларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Чунки инвестициялар объекти бир нечта инвесторларга тегишли бўлиши мумкин. Буни қуйида келтирилган амалий таҳлил асосида кўриб чиқамиз. Биринчи ҳолатда инвестор томонидан эгалик қилинаётган инвестиция улуши жами инвеститсион улушнинг 50% дан юқори бўлса, демак инвестор тадбиркорлик субъектининг бошқарув ҳамда

молиявий қарорларини қабул қилишда ва назорат қилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади. Иккинчи ҳолатда эса таҳлилга бироз қўшимча киритамиз. Яъни Инвестор инвестиция объектининг 30% улушга эга бўлса ва инвестиция объектининг қолган 70% улуши бир нечта инвесторлар томонидан эгалик қилинаётган қилинган бўлса (масалан 50 та инвестор 1% дан улушга эга қолган 20% улуш яна 4 та инвесторга тегишли деб ҳисоблаймиз) бунда шундай ҳолатни кўриш мумкинки, юқорида айтиб ўтилган 50% ва ундан юқори улушга эга бўлгандагина назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлади деган хулосага бироз фикр юритишимизга тўғри келади. Консолидациялашган молиявий ҳисоботларни эса 30% улушга эга бўлган инвестор томонидан тузилади.

Биз юқорида консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тузишга олиб келадиган ҳолатларнинг фақат иккитасини кўриб чиқдик лекин амалиётда бундай ҳолатларнинг турли хил вазиятли кўринишда келади. Шу боисдан ҳар бир ҳолат бўйича чуқур таҳлил асосида қарор қабул қилиш лозим бўлади.

Мавзунинг муаммоли қисмига ўтсак, бугунги кунда амалиётимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тузиш (трансформация) қилиш жараёнида ўз ечимини кутаётган турли муаммолар кўзга ташланяпти.(1-жадвал)

1-жадвал

**Консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитидаги (трансформация жараёни) муаммоларни ўрганиш дастури<sup>49</sup> (намуна)**

№	Мавжуд муаммолар	Муаммолар ечими юзасидан таклифлар	Масъул шахслар Ф.И.Ш	Изоҳ
1				
2				
...				

**Бош аудитор:**

**имзо**

**Ф.И.Ш.**

✚ Бош ташкилотга бевосита ёки билвосита қарашли бўлган шубҳа тадбиркорлик субъектларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғри йўлга

<sup>49</sup> Муаллиф ишланмаси, 2023й.

қўйилмаганлиги;

✚ Шуъба тадбиркорлик субъектларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий қилиш бўйича иш олиб борилмаётганлиги ва бунинг натижасида бош ташкилот томонидан сўралган маълумотлар белгиланган муддатда ва шаклда тақдим этилмаётганлиги;

✚ Асосий воситалар ва номоддий активларни қайта баҳолаш бўйича баҳолашнинг халқаро стандартлари амалиётга тўлиқ жорий этилмаганлиги молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини амалиётга жорий қилишда етарлича муаммоларга сабаб бўлмоқда.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

✚ Бухгалтерия ҳисоб тизимини юриштида лоқайдлик ҳамда этиборсизлик қилаётган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш;

✚ Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий қилиш бўйича ўқитиш ҳамда малака ошириш ишларини вилоят ва шаҳарларда семинар тренинглар асосида доимий равишда ташкил қилиш;

Юқоридагилардан келб чиқиб умумий хулоса сифатида муаммоларни келтирилишида асосли сабаблари бор албатта. Тасаввур қилинг бирор йирик компаниялар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ҳисоботларини тайёрлайди ва ушбу компанияларнинг бир нечта шуъба тадбиркорлик субъектлари мавжуд ва бу тадбиркорлик субъектларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ҳисоб юритилмайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент: «Ўзбекистон», 2020 йил.
- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. Тошкент: «Адолат», 2020 йил.
- Бухгалтерияга оид қонун ҳужжатлари. Тошкент: «Норма» 2021 йил.
- <http://www.mf.uz>
- <http://www.budget.ru>